

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ АЛИШЕР АЛИКУЛОВИЧ

ЕР ҚАТЛАМЛАРИ ҲОЛАТИНИ ОПТИК-ТОЛАЛИ ЎЛЧОВ
ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

Бердиев Алишер Аликулович

Ер қатламлари ҳолатини оптик-толали ўлчов тизимлари асосида мониторинг
қилиш усуллари ишлаб чиқиш 3

Бердиев Алишер Аликулович

Разработка методов мониторинга состояния земных грунтов на основе
волоконно-оптических измерительных систем..... 21

Berdiyev Alisher Alikulovich

Development of methods for monitoring of the state of terrestrial soils based on
fiber-optic measuring systems..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ АЛИШЕР АЛИКУЛОВИЧ

ЕР ҚАТЛАМЛАРИ ҲОЛАТИНИ ОПТИК-ТОЛАЛИ ЎЛЧОВ
ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2433 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Бахтиёржон Неъматович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Давронбеков Дилмурод Абдужалилович
техника фанлари доктори, профессор

Туляганов Баходиржон Исмаилович
геология-минералогия фанлари номзоди, етакчи
илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» Июнь да соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4691 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» июнь куни тарқатилди.
(2022 йил «9» июнь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ш. Махкамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Э.Ш. Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.М. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда турли вазифали радиотехник, оптоэлектрон қурилмалар ва комплекслар, жумладан, кўчки жараёнларини мониторинг қилиш ва башоратлашга мўлжалланган тизимларни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. «Дунё миқёсида 1998-2020 йиллар оралиғида кўчкилар натижасида 4,8 миллион инсон жабр кўрганлигини ҳамда 18000дан ортиқ инсон вафот этган»¹лигини ҳисобга олсак ушбу йўналиш бўйича тоғ жинсларларидаги кўчки жараёнларининг ривожланишини башоратлаш, мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни тақозо этади. Шу жумладан ривожланган мамлакатларда, хусусан АҚШ, Швейцария, Япония, Австралия, Германия ва Россия каби давлатларда тоғ жинсларининг кўчки жараёнларини мониторинг қилишнинг радиотехник модуллари, блоклари ва қурилмаларини ҳамда ушбу тизимлар учун аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқишга, мониторинг ахборот тизимлари модулларининг ўзаро боғланиши, ўзаро таъсири ва интеграциясини ташкил этувчи тамойилларни ишлаб чиқишга, шунингдек, фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида аҳолига хабар бериш тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда махсус датчиклар, симсиз технологиялар асосида ва телекоммуникацион тизимлар ёрдамида тоғ жинсларининг ҳолатини мониторинг қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, ёруғлик интенсивлигини модуляцияловчи оптик-толали интерферометрик датчиклар деформацион хусусиятлари асосида экзоген ҳодисаларни шаклланишини мониторинг қилиш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва геологик шароитларнинг ўзгаришида кўчки фаоллиги ҳудудини аниқлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, тоғ жинсларининг кўчки жараёнларини аниқлаш ва мониторинг қилиш тизимлари учун аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида аҳолига хабар бериш ва маълумот етказишнинг марказлашган, автоматлаштирилган тизимини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда оптик-толали ўлчов тизимларига асосланган тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмалари, алгоритмлари ва усуллариининг янги тамойилларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси»да, жумладан «...геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, шунингдек электротехника соҳасида илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини

¹ https://www.who.int/health-topics/landslides#tab=tab_1

ривожлантириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан муҳандислик-геологик ва экзоген-геологик жараёнларни ўрганиш бўйича гидрогеологик ишларни олиб бориш, техноген таъсир оқибатида гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларнинг ўзгаришини технологик воситалар асосида кузатиш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонларида, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-4947-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги 601-сон «Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси аҳолисига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва ривожлантириш тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV - «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш усуллари яратиш, кўчки жараёнларини мониторинг қилиш учун оптик-толали ўлчов тизимларининг аппарат-дастурий таъминотини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Т.Окоси (Япония), Е.Udd, R.Jackson (АҚШ), Alemohammad Hamid (Канада), В.Glisc, D.Inaudi (Швейцария), L.S.Zan, Z.Liang (Хитой), Kher Saxena, Rajan Ginu (Ҳиндистон), R.L.Idriss (Мексика), В.М.Шандаро, Ю.Н.Кульчин, К.Е.Румянцев, Д.Б.Шумкова (Россия) ва бошқалар.

Тоғ жинсларида кўчки жараёнлари содир бўлиш эҳтимоллигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Т.Д.Раджабов, М.М.Мухитдинов, Ф.И.Воронов, Қ.П.Абдурахманов, Б.И.Туляганов, Д.А.Давронбеков, А.Исамухамедова, Н.Р.Рахимов, Р.Г.Камалетдинов,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Р.А. Ниязов, Г.А.Бимурзаев, Н.Р.Юсупбеков, Ю.Г.Шипулин, А.М.Назаров, Э.А.Абдурахмонов, Б.Н.Рахимов, Ю.В.Писецкий, Ю.Мамасодиковларнинг олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида геологик шароитларнинг ўзгаришида кўчки фаоллиги худудини аниқлаш тизимининг самарадорлигини оширишда ва оптик-толали датчиклар асосида деформацион параметрларни мониторинг қилиш қурилмасини амалиётда қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати томонидан амалда қўлланилиб келинаётган анъанавий усуллар ёрдамида мониторинг маълумотлари реал вақт режимида олинмаслиги ҳамда ушбу усул кўчки секторларининг маълум бир қисминигина мониторинг қилиш имкониятига эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу соҳадаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кузатилаётган экзоген хавфли объектнинг турли параметрларидаги ўзгаришларни синхрон қайд этиш усуллари, оптик-толали ўлчов тизимларга асосланган тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш тизимини алгоритмлари ва аппарат-дастурий қурилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг имкониятларини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши қуйидаги инновацион илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилди: 5/18-Ф «Радиомониторинг спектрал характеристикалари асосида радиосигналларни аниқлаш ва таниб олиш усуллари ишлаб чиқиш – УҚТ диапазонли электромагнит муҳитида экспресс анализатор» (2018-2020), № ФЗ-201907104 «Зилзилада аҳолининг барча қатламларини тўғри ҳаракатланишига ўргатиш учун мўлжалланган интерактив мобиль илова яратиш» (2020-2022) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинсларининг кўчки жараёнларини мониторинг қилиш усуллари, алгоритмлари ва аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинсларидаги локал кўчки хавфини башоратлаш бўйича мавжуд чет эл ва маҳаллий усулларни таҳлил қилиш;

оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилишнинг усулини ишлаб чиқиш;

тоғ жинсларининг хавфли кўчки жараёнларини мониторинг қилиш ва уларнинг ривожланишини башоратлаш тизими алгоритминини ишлаб чиқиш;

тоғ жинслари мониторинги ахборот-ўлчов тизимидаги радиотехник элементлар ва модулларнинг ўзаро боғланиши, таъсири ва интеграциясини ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

оптик-толали датчиклар ва тупроқ намлиги датчиклари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмасининг аппарат-дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хавfli геологик жараёнлар (тоғ жинсларида кўчкилар, емирилишлар ва чўкишлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети тоғ жинсларининг кўчки жараёнларини мониторинг қилиш ва кўчки хавфини баҳолаш усуллари, алгоритмлари ва қурилмалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда белгиланган вазифаларни ечиш учун илмий таҳлил, оптик-толали датчикларнинг оптик хусусиятлари ўзгаришларини экспериментал ўрганиш, индукция ҳамда тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

тоғ жинсларидаги кўчки хавфини мониторинг қилиш тизимида оптик-толали ўлчов тизимларини қўллаш ҳамда уларнинг турли параметрларини назорат қилишни автоматлаштириш ҳисобига кўчки ҳолатларини мониторинг қилиш усули такомиллаштирилган;

хавfli экзоген геологик шароитларнинг ўзгаришида кўчки фаоллиги ҳудудини аниқлаш ва уларнинг ривожланишини баҳоратлаш тизимининг самарадорлигини оширувчи ҳамда тизим параметрларини масофадан ўзгартириш имкониятини берувчи қурилма алгоритми ишлаб чиқилган;

фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционалиги оширадиган оптик толали ўлчов тизимлар ёруғлик интенсивлигини модуляцияловчи спектрометрик датчикларнинг деформацион хусусиятлари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилувчи тизимдаги радиотехник элементлар ва модулларнинг ўзаро боғланиши ва интеграциясини ташкил этиш тамойили ишлаб чиқилган;

геологик шароитларнинг ўзгаришида кўчки фаоллигини ҳудудини аниқлаш хатолигини оптик-толали ўлчов тизимлари ва тупроқ намлиги датчиклари асосида камайтирган ҳолда тизим самарадорлигини оширувчи тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмасининг аппарат-дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

GSM орқали бошқариш имкониятига эга, оптик-толали датчик ва тупроқ намлиги датчиги асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш/кузатиш қурилмасининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди;

кўчки жараёнларини мониторинг қилиш қурилмасидан олинган маълумотларни сақловчи, қайта ишловчи ва намойиш қилувчи сервер дастурий таъминоти ишлаб чиқилди;

оптик-толали ўлчов тизимларига асосланган тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш учун дастурий-аппарат мажмуаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқот ускуналари ва аппарат-дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишлаб чиқилган тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмаси аппарат ва дастурий қисмларининг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари ва иш режимлари асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган модел ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш жараёнларни тадқиқ этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тоғ жинслари ҳолатини комплекс ва узлуксиз мониторинг қилишда ишлаб чиқилган тизимнинг потенциал имкониятлари, жумладан, ишлаб чиқилган аппарат-дастурий комплекс ер қатламларидаги кўчки жараёнларини баҳолаш аниқлигини сезиларли даражада ошириши, ўзгарувчан масса ҳаракатининг катта периметрларини назорат қилиш имконини бериши ҳамда тизим параметрларини масофадан ўзгартириш имкониятига ва иқлим ўзгаришига мос равишда кузатилаётган параметрлар бўсағавий қийматларини автоматик созлаш имкониятига эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

оптик-толали ўлчов датчиклари асосида тоғ жинслари кўчки жараёнларини мониторинг қилиш ахборот-ўлчов тизимининг радиотехник элементлари ва модулларининг ўзаро боғланиши, таъсири ва интеграциясини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари ва алгоритмлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «15361-ҳарбий қисм» Махсус авария-тиклаш бошқармасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 33-8/8220-сонли маълумотномаси). Натижада кўчки фаоллигини аниқлаш вақтини 5-7 мартага қисқартириш ва тизим самарадорлигини 10-20 % га ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган дастурий-аппарат воситаси ва кўп каналли ахборот-ўлчов тизимининг синхрон маълумотларини қайта ишловчи мониторинг мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 33-8/8220-сонли маълумотномаси). Дастурий-аппарат воситасини жорий этиш орқали фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционаллиги кенгайтирилган, кузатилаётган параметрлар назоратини автоматлаштириш таъминланган;

Тоғ жинслари ҳолатини оптик-толали ўлчов тизимлари асосида мониторинг қилиш қурилмаси «UNICON.UZ» ДУК.да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 33-8/8220-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини аҳоли пунктларининг бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларида O'z DSt 3523:2021 давлат стандартига мувофиқ магистрал оптик-толали кабелларни ётқизишда, монтаж қилиш ва оптик-толали алоқа линияларини қуришда, ер қатламларида кўчкилар содир

бўлиш эҳтимолини мониторинг қилишда ва асосий параметрларни аниқлашда қўллаш мумкин. Натижада тизим самарадолигини 1,1-1,2 мартага оширилган ва объектни n та кузатув нуқтасига эга 2 км.гача бўлган периметрда мониторинг қилиш мумкин бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган нашрларида 13 та мақола, жумладан 2 таси хорижий, 11 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида 3 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Кўчки қияликларининг барқарорлигини баҳолаш воситалари ва усулларини таҳлил қилиш» деб номланган биринчи бобида кўчкиларнинг маълум бир тури шунингдек, уларнинг ҳаракат механизми бўйича дала ўлчовларига боғлиқ ҳолда кўчки жараёнларини мониторинг қилишнинг амалдаги усулларининг назарий ва аналитик таҳлили келтирилган. Таҳлиллар асосида ўрнатилдики, кўриб чиқилган усуллар комплекс тузилишга эга эмас, шунингдек кўчки хавфини аниқлаш учун маълум усуллардан фойдаланиш бўйича асосланган тавсиялар келтирилмаган. Тақсимланган зондлаш, кўчки массалари сурилишининг катта масофаларини назорат қилиш ва ер-кўчки жараёнларини баҳолашнинг аниқлигини ошириш талабларини қондириш учун оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги белгилаб олинди. Ушбу усулнинг асосий афзалликлари келтириб ўтилган.

Замонавий оптик-толали датчиклар қайд этувчи оптик параметрлар, уларнинг конверторлари тамойили, ўлчовчи муҳит билан ўзаро таъсири ва ўлчанадиган физик параметрлар турлари бўйича таҳлил қилинди ва таснифланди. Ташқи сезувчан элементли ҳамда сезгир элемент сифатида фойдаланиладиган оптик-толали датчиклар таҳлил қилинган.

Кўчкилар механизмининг турлари таҳлил қилинди, кўчки жараёнларини содир бўлишига олиб келувчи омиллар ва сабаблар аниқланган.

Диссертациянинг «Кўчки жараёнларини кузатиш учун оптик-толали датчиклардан фойдаланишни назарий асослаш» деб номланган иккинчи боби ички таъсирлар эффеќтига асосланган оптик-толали датчикларнинг ишлаш тамойилини тадқиќ қилишга бағишланган. Оптик-толали ўлчов тизимлари асосида у ёки бу физик параметрларни аниқлаш/ўлчаш жараёнида ёруғлик ўтказгичларида юзага келадиган: Реле, Раман, Бриллюэн нур сочилишлари; ташқи таъсирлар натижасида тўлиќ ички синиш шартининг бузилиши; толанинг физик деформацияси натижасида сўниш ёки фазавий сурилиш; поляризация текислигининг айланиши каби асосий физик ҳодисалар тадқиќ қилинган.

Ёруғлик интенсивлигини модуляцияловчи оптик-толали датчиклар, интерферометрик (фазали модуляцияланган), спектрометрик (тўлқинли модуляцияланган) ҳамда поляриметрик (поляризация-модуляцияланган) датчиклар ишлашининг физик тамойиллари таҳлил қилинган. Оптик-толали ўлчов тизимларининг юқори сезгир компонентлари сифатида Фабри-Перо, Маха-Цендр, Майкельсон ва Саньяк интерферометрлари тузилиши ва ишлаш тамойиллари кўриб чиқилган.



1- расм. Ер ости қувурлари бўйлаб чарчоқ ёрикларининг келиб чиқиш ва тарқалиш жойларини аниқлаш қурилмасининг блок-схемаси

Оптик-толали ўлчов тизимларига асосланган ер ости қувурларининг динамик ва статик хусусиятларини башоратлаш усули таклиф этилган (1-расм).

Қурилма қуйидаги асосий қисмлардан иборат: (1) синалаётган конструкцияларнинг фрагментлари (қувурлар), (4) полимер толалар (датчиклар), (5) электр таъминот, (6) микроконтроллер, (7) коммутатор, (8) қувват кучайтиргичи, (9-12) соzланувчан резисторлар, (13-15) лазер диодлари

(ЛД), (17-18) оптик нурланишни ўлчовчи қабул қилгич, (19) кучайтиргич, (20) RS232 узатгич, (21) аналог-рақамли ўзгартиргич, (22) компьютер.

Датчиклар ёрдамида тизим (Р) сув босими туфайли (2) бўлимда пайдо бўладиган (3) ёриқлар ўрнини қайд этади ва тўғридан-тўғри рақамли маълумотларни қайта ишлаш амалга оширилади (24) ва натижалар математик қайта ишлаш бирлигига узатилади (25), ҳисоб-китоб натижалари маълумотлар файллари сифатида сақланади (23) ва статистикаси юритилади (26).

Оптик толали датчиклар асосида ер ости қувурларида ёриқлар пайдо бўлган жойларини аниқлаш технологияси иккита усулга асосланган:

1. Бугер-Ламберт-Бер қонуни. Бу қонун оптик спектроскопия пик майдонида пик ҳосил қилувчи ўтишлар сонига тўғри пропорционаллигини билдиради ва ёруғликнинг сусайишини ёруғлик ўтадиган материалнинг хоссаларига боғлайди. Ушбу қонун қуйидаги ифода орқали аниқланади (1):

$$\Phi_0 = 0,5\tau R n \nu_r \Phi_0 e^{-2\alpha L} \quad (1)$$

бу ерда Φ_0 - бошланғич ёруғлик оқими қуввати; $\Phi_{об}$ - L масофада тескари йўналиш бўйича сочилган ёруғлик оқими қуввати; α – ёруғлик ўтказгичда сўниш (тўлқин узунлиги 1310 нм бўлганда $\alpha = 0.000073 \text{ м}^{-1}$); ν_r - импульс тарқалишининг гуруҳли тезлиги; n - тескари йўналишда сочилган ёруғликнинг нисбатини аниқловчи кўрсаткич.

L масофада тескари йўналиш бўйича сочилган ёруғлик оқимининг умумий қувватини (Φ_L) ҳисобга олган ҳолда:

$$\Phi_L = \Phi_0 + \Phi_{об} \quad (2)$$

Оптик толали датчикда оптик нур сочилишининг L масофаси аниқланган (3):

$$L = \frac{\ln\left(\frac{\Phi_L - \Phi_0}{0.5\tau R n \nu_r \Phi_0}\right)}{2\alpha} \quad (3)$$

Ушбу формула ёрдамида оптик толали датчикнинг қайси қисмида йўқотишлар содир бўлаётганини аниқлаш мумкин бўлади.

2. Тўлиқ ички қайтиш усули. Тўлиқ ички қайтиш ҳодисаси ёруғлик оптик жиҳатдан зичроқ муҳитдан оптик жиҳатдан камроқ зич муҳитга ўтганда кузатилади.

Ёруғликнинг бундай хусусиятига асосланиб, ушбу қонуниятни турли иншоотларнинг бузилишини аниқлаш технологиясида, масалан, ер ости қувурларининг чизикли қисмида аварияларни аниқлашда қўллаш мумкин.


Ёруғлик нурининг аксланиш вақтини ҳисобга олиб, ер ости қувурларида ёрилиш ёки шикастланишнинг аниқ жойини қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин (4):

$$S = C \frac{t}{2} \quad (4)$$

бу ерда C – ёруғлик нурларининг тарқалиш тезлиги; t –ёруғлик нурининг аксланиш вақти.

«Ер қатламлари ҳолатини мониторинг қилиш учун ахборот-ўлчов усулини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда оптик-толали ўлчов тизимлари асосида ер қатламларини мониторинг қилишнинг модели ишлаб чиқилган (2-расм).

Модел қуйидагича ишлайди. Шартли импульслар генератори (5) маълум вақт оралиғида дискрет сигналларни ҳосил қилади. SPI Ethernet модуллари (3,4) датчиклардан келган маълумотларни интернет орқали узатиш ва ўз навбатида генератор ва SFP модуллари TCP/IP протоколи орқали боғлаш вазифасини бажаради. Оптик-толали датчиклар ($p_1 - p_n$) (8) ва тупроқ намлиги датчиклари ($m_1 - m_n$) (9) SFP модуллари (1,2) га уланади.




2- расм. Оптик-толали ўлчов тизимини ташкил этиш принципи

Датчиклар бир томондан T_x лазер билан ёритилса, иккинчи томондан R_x фотодетекторга уланади ва уларнинг ҳаммаси кўчиш хавфи бўлган нишаб майдонга ўрнатилади. Агар назорат қилинаётган юзада қандайдир жараён содир бўлса, маълум бир датчикда ёки бир вақтда бир нечта датчикларда кўрсаткичлар ўзгаради. Натижада R_x фотодетекторининг ёруғлик оқими интенсивлигида кескин сусайиши кузатилади. SFP нинг чиқувчи сигнали Ethernet модул томонидан электр сигналга айлантирилади. Микроконтроллер (10) ёрдамида маълумотлар GPRS узатгичига ва (6) захира узатгичига узатилади ҳамда бу орқали захира ва иккиламчи узатиш каналини ташкил қилиш мақсадига эришилади. Мониторинг марказида маълумотлар қайта ишланади, зарур ҳолларда тезкор ҳаракатлар олиб бориш учун хавfli ва фавқулодда вазиятлар мавжудлиги аниқланади.

Диссертацияда физик ва спектрал параметрлар бўйича маълумотларнинг нобиржинслилигини ҳисобга олган ҳолда турли манбалардан (датчиклардан) келаётган бир нечта маълумотларни қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиш учун мониторингнинг кўп каналли ахборот ва ўлчов тизимида маълумотларни синхрон қайта ишлаш усули ишлаб чиқилди.

Оптик толали датчиклар асосида ер қатламларининг кўчки жараёнларини кузатиш усулларини, шунингдек, ушбу усулни амалда қўллайдиган махсус қурилмани ишлаб чиқишда, SFP модул оптик сигналларни узатиш манбаи ва ушбу сигналда йўқотишлар ва хатоликларни қайд этувчи қурилма сифатида тадқиқ қилинган. Диссертацияда ушбу модулнинг оптик ва физик хусусиятлари батафсил ёритилган, қурилманинг EEPROM хотираси тузилиши таҳлил қилинган, DDM рақамли диагностиканинг асосий параметрлари ҳамда ушбу қурилманинг принципиал схемаси ўрганилган. Аниқландики, SFP модулнинг DDM протоколи асосида кузатилувчи диагностик маълумотлар 256 байт ҳажмли рақамли ҳисоботга эга ва уни 8 бит адресли икки симли I2C интерфейси орқали олиш мумкин, ҳамда ушбу ҳисоботнинг 96-105 элементлари лазернинг чиқиш қуввати T_x MSB, лазернинг кириш қуввати R_x MSB ва кучланиш V_{cc} MSB каби керакли параметрлари қийматларини ўз ичига олади. SFP модулнинг ушбу хусусиятлари тоғ жинслари ҳолатини оптик толали ўлчов тизимлари асосида мониторинг қилиш қурилмасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Диссертациянинг «Ер қатламлари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида оптик-толали ўлчов тизимлари асосида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган. 3-расмда ишлаб чиқилган қурилманинг блок-схемаси келтирилган бўлиб, у SFP модул, ATMEGA 328P микроконтроллери, SIM 800L GSM модули, таъминот блоки, оптоэлектрон датчик, тупроқ намлиги датчиги, LED индикатор ва аккумуляторлардан ташкил топган.



3-расм. Тоғ жинсларда кўчки жараёнларини мониторинг қилиш қурилмасининг функционал блок-схемаси

Ишлаб чиқилган қурилма ер қатламларидаги механик силжишлар ва тупроқ намлигининг нисбий қийматларини назорат қилади. Қурилма қуйидаги тарзда ишлайди:


- оптик-толали датчик ёруғлик узатувчиси ва фотодетекторга эга бўлган SFP модулга уланади. Модуль ўз навбатида ATMEGA 328-P

микроконтроллерига уланган. Тупроқ намлиги датчиги ҳам микроконтроллернинг аналог киришига уланади;

- микроконтроллер марказий блок сифатида ишлайди, кузатилаётган параметрлар ҳисобини юритади, шунингдек, R_x қувватининг бўсағавий қиймати, ушбу қувват даражасининг рухсат этилган максимал ва минимал оғиш қийматлари ($R_{x_{min}}$ ва $R_{x_{max}}$), тупроқ намлиги даражасининг максимал рухсат этилган қиймати каби бирламчи параметрлар қийматини ўқийди. Сўнгра SFP ва микроконтроллер орасида алоқа ўрнатилади.

- кузатилаётган маълумотлар SFP модулни DDM протоколи ёрдамида ҳосил қилинади. Ушбу параметрлар қийматларини инобатга олган ҳолда, ер қатламлари ҳолатини мониторинг қилиш ва бу орқали огоҳлантириш, сигнализацияни ёқиш ва шу каби тегишли қарорларни қабул қилиш мумкин бўлади;

- микроконтроллер GSM модул билан алоқа ўрнатади ва ушбу модул кузатилаётган параметрларнинг маълумотларини узатгичи, SMS буйруқли (бошқарувчи) кодлар қабул қилгичи вазифаларини бажаради. Микроконтроллер махсус дастур билан дастурланган бўлиб, унинг бошқаруви асосида GSM модул узлуксиз равишда параметрлар қийматларини серверга жўнатиб туради (4-расм), шунингдек ушбу қийматлар белгиланган даражадан ошиб кетса, SMS огоҳлантириш жўнатади.




4-расм. Тизимнинг фойдаланувчи веб-интерфейсида кўрсатиладиган маълумот кўриниши

Юқорида келтирилган блок-схема меъзони асосида қурилманинг принципиал схемаси ишлаб чиқилган, қурилма учун махсус корпус тайёрланган ва бу диссертация ишида келтирилган.


Бундан ташқари оптик-толали датчиклар асосида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш қурилмасининг ишлаш алгоритми ишлаб чиқилган (5-расм). Алгоритмнинг ишлаш жараёни R_x , $R_{x_{max}}$, $R_{x_{min}}$, Hum_{max} каби бирламчи конфигурацияларни ўқиш ва алоқани ўрнатиш (радиотехник элементлар ва модулларнинг ўзаро боғланиши, таъсири ва интеграцияси) билан бошланади. Ушбу алгоритмнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кузатилаётган параметрларнинг бўсағавий қийматини автоматик сошлаш, бу орқали об-ҳаво ўзгаришларини компенсациялаш ва параметрлар маълумотларини n марта

($i=0$; $i < 50$; $i++$, бизнинг ҳолатда 50 марта) ҳисоблаш орқали ёлғон сигналлар бартараф этилади.



5-расм. Кўчки жараёнларини мониторинг қилиш қурилмасининг ишлаш алгоритми

Ишлаб чиқилган қурилманинг ташқи кўриниши 6-расмда келтирилган. Ер қатламлари ҳолатини мониторинг қилиш қурилмаси ёрдамида кўчки жараёнларини ўлчаш усуллари тавсия этилган ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилган.



6-расм. Қурилманинг ташқи кўриниши

Оптик-толали датчикнинг механик юкламага таъсирчанлик даражаси экспериментал равишда баҳоланган. Юклама таъсирида оптик-толали датчикда йўқотишлар қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_L = -10 \log \left(1 - \frac{4\Delta L}{\pi D} \right) \cos \gamma \quad (5)$$

бу ерда P_L - ўлчаш каналидаги йўқотишлар [дБ]; ΔL – оптик-толали датчиклар ёруғлик ўтказгичлари марказларининг ўзаро сурилиши [мм]; D - ёруғлик ўтказгичининг диаметри, [мм]; γ - юклама таъсирида сенсорли ёруғлик ўтказгичлари орасидаги сурилиш бурчаги.

Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

| $R_{x.min} - R_{x.max} = 0,5\text{дБм}$ | | | | | |
|---|---------|----------|-------------|-------------------|--------------------|
| Δ_d [мм] | U [V] | t [°C] | T_x [дБм] | $R_{x.наз}$ [дБм] | $R_{x.амал}$ [дБм] |
| 0 | 3,25 | 31,53 | -5,03 | -16,41 | -16,52 |
| -1 | 3,25 | 31,56 | -5,04 | -16,48 | -16,52 |
| -2 | 3,25 | 31,61 | -5,04 | -16,55 | -16,63 |
| -3 | 3,25 | 31,58 | -5,03 | -16,72 | -16,74 |
| -4 | 3,25 | 31,62 | -5,04 | -16,91 | -16,95 |
| -5 | 3,25 | 31,63 | -5,03 | -17,26 | -17,36 |
| -6 | 3,25 | 31,75 | -5,03 | -17,99 | -17,97 |
| -7 | 3,25 | 31,75 | -5,03 | -19,65 | -19,58 |
| -8 | 3,25 | 31,78 | -5,04 | -20,26 | -20,18 |
| -9 | 3,25 | 31,84 | -5,03 | -22,67 | -22,60 |
| -10 | 3,25 | 31,81 | -5,05 | -25,74 | -25,66 |

бу ерда, Δ_d – синов стенди елкасининг механик деформация қадами, U – SFP модулни таъминловчи кучланиш, t – қурилманинг ички


температураси, $R_{x.наз}$ - ёруғлик ўтказгич киришидаги қувватнинг назарий қиймати, $R_{x.амал}$ - ёруғлик ўтказгич киришидаги қувватнинг амалий қиймати, T_x - ёруғлик ўтказгич чиқишидаги қувват.

Ўрнатилдики, оптик-толали датчиклар марказларининг ўзаро сурилиш катталиги тахминан 4 ва 5 мм бўлса, оптик сигналнинг қуввати мос равишда -16.95 дБм ва -17.36 дБм ни ташкил этади. Аниқланганки, ташқи деформация катталиги қанчалик катта бўлса, оптик-толали датчикларда ёруғлик интенсивлиги шунчалик паст бўлади, яъни SFP модулда кирувчи оптик қувватнинг пасайиши кўчки жараёнлари содир бўлиш эҳтимоллигидан далолат беради.

Экспериментал усул билан бир модалли толали ёруғлик ўтказгич орқали ўтган ёруғлик қувватининг толанинг эгилиш бурчагига боғлиқлиги характеристикаси олинди (7-расм). Эгик ёруғлик ўтказгичидаги қувватни ўзгартириш самарадорлиги унинг қобигида тарқаладиган модалар сонини тўлиқ модалар сонига нисбатига пропорционал ва қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$\frac{N_c}{N} = 1 - 2 \left(\frac{n_2}{n_1} \right) \frac{\alpha}{R_b \theta_M^2}, \text{ бу ердан } R_b = \left(1 - \frac{N_c}{N} \right) \frac{\theta_M^2}{2\alpha} \left(\frac{n_2}{n_1} \right) \quad (6)$$

бу ерда N – ёруғлик ўтказгичидаги модалар сони; N_c – қобикдаги модалар сони; R_b – ёруғлик ўтказгичининг эгилиш радиуси; $\theta_M = \arcsin\left(\frac{n_2}{n_1}\right)$.



7-расм. Бир модалли толали ёруғлик ўтказгич орқали ўтган ёруғлик қувватининг толанинг эгилиш бурчагига боғлиқлик графиги

Ер қатламларида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш бўйича бажарилган амалий тадқиқотлар натижаси назарий ҳисоб-китоблар ва хулосалар, техник ўлчовларнинг назарий натижалар билан мутаносиблиги орқали тасдиқланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўчки жараёнларини ўлчаш усуллари тавсия этилган ва ишлаб чиқилган қурилмани

ер қатламлари ҳолатини мониторинг қилиш вазифаларида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган усуллар ва қурилма кўчки жараёнларини аниқлаш вақтини 5-7 баробарга қисқартирган, тизим самарадорлигини 1,1-1,2 мартага оширган ва объектни n та кузатув нуқтасига эга 2 километргача бўлган периметрда мониторинг қилиш имкониятини берган.

ХУЛОСА

«Ер қатламлари ҳолатини оптик-толали ўлчов тизимлари асосида мониторинг қилиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Оптик толали брэг панжаларидаги тўлқин узунлиги унга таъсир этувчи деформацияга кучли боғлиқ эканлиги исботланди. Оптик толанинг нисбий деформация катталиги ва аксланиш спектрларида брэг максимумининг ҳолатини ўзгариши орасидаги муносабат ҳамда оптик толали панжаларнинг температурага нисбатан ўзгарувчанлик қонуниятлари тадқиқ қилинган. Кўчки жараёнларини мониторинг қилишда оптик-толали датчиклардан фойдаланиш анъанавий электрон датчикларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлиги назарий жиҳатдан исботланган.

2. Оптик-толали ўлчов тизимлари асосида тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилишнинг усули такомиллаштирилган. Белгиланган вазифа, олиб борилган таҳлиллар ва бундай турдаги тизимларни қуришга қўйилган талаблар асосида кўчки жараёнлари учун мониторинг тизимини қуриш конфигурацияси ва тамойили ишлаб чиқилган.

3. Тоғ жинслари ҳолатини мониторинги ахборот-ўлчов тизимидаги радиотехник элементлар ва модулларнинг ўзаро боғлиқлиги ва интеграциясини ташкил этишнинг янги тамойили ишлаб чиқилган. Ушбу тамойил асосида ер қатламларида кўчкилар содир бўлиш эҳтимолини оптик-толали ўлчов тизимлари ёрдамида баҳолаш усули таклиф қилинган.

4. GSM орқали бошқариш имкониятига эга бўлган, тоғ жинсларининг кўчки жараёнлари оптик-толали ўлчов тизимлари асосида мониторинг қилувчи қурилманинг дастурий таъминоти, шунингдек, ушбу қурилмадан юборилган маълумотларни сақловчи, қайта ишловчи ва намойиш қилувчи сервернинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

5. Тоғ жинсларида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш ва уларнинг ривожланишини башоратлаш қурилмаси ишлаб чиқилган ва қурилма учун махсус корпус тайёрланган. Тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш учун таклиф қилинаётган қурилма кўчки жараёнларини баҳолаш аниқлигини сезиларли даражада ошириш ва фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционаллигини кенгайтириш имконини берган.

6. Кўчки жараёнларини оптик-толали ва тупроқ намлиги датчиклари асосида мониторинг қилиш учун ишлаб чиқилган қурилма дастурий модули кўчкилар содир бўлиш эҳтимолигини аниқлаш вақтини 5-7 мартага

қисқартириш, тизим самарадолигини 1,1-1,2 мартага ошириш ва объектни n та кузатув нуқтасига эга 2 км.гача бўлган периметрда мониторинг қилиш имкониятини берган.

7. Тоғ жинсларида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш бўйича бажарилган амалий тадқиқотлар натижаси назарий ҳисоб-китоблар ва хулосалар, техник ўлчовларнинг назарий натижалар билан мутаносиблиги, мос гувоҳномалар ва тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар мавжудлиги билан тасдиқланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўчки жараёнларини мониторинг қилиш усуллари тавсия этилган, ва ишлаб чиқилган қурилмани тоғ жинслари ҳолатини мониторинг қилиш вазифаларида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Тоғ жинслари қиялиги бўйлаб оптик-толали ўлчов тизимларини жойлаштириш/ётқизиш схемаси тавсия этилган. Тизимни техник назорат қилиш ва хизмат кўрсатиш шартлари белгилаб берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

БЕРДИЕВ АЛИШЕР АЛИКУЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ МОНИТОРИНГА СОСТОЯНИЯ ЗЕМНЫХ
ГРУНТОВ НА ОСНОВЕ ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИХ
ИЗМЕРИТЕЛЬНЫХ СИСТЕМ**

05.04.02 – Системы и устройства радиотехники, радионавигации, радиолокации и телевидения. Мобильные, волоконно-оптические системы связи

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/T2433.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Рахимов Бахтиёржон Нейматович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Давронбеков Дилмурод Абдужалилович
доктор технических наук, профессор

Туляганов Баходиржон Исмаилович
кандидат геолого-минералогических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится « 25 » июня 2022 г. в 12⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2691). (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « 9 » июня 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 9 » июня 2022 г.).



Б.Ш. Махкамов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.э.н., профессор

Э.Ш. Назирова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

М.М. Мухитдинов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире внимание уделено разработке систем мониторинга и прогнозирования оползневых процессов, в том числе радиотехнических, оптико-электронных устройств и комплексов различного назначения. Учитывая, что «В период с 1998 по 2017 год во всем мире оползни затронули примерно 4,8 миллиона человек и привели к гибели более 18 000 человек»³, необходимо разработать и внедрить в практику систему прогнозирования и мониторинга оползневых процессов. В связи с этим важной является задача разработка системы обнаружения и мониторинга оползневых процессов горных пород. В развитых странах, таких как, США, Швейцария, Япония, Австралия, Германия и Россия одной из основных задач является разработка радиотехнических модулей, блоков и устройства мониторинга оползней, а также аппаратно-программные средства для этих систем, разработка принципов взаимосвязи, взаимодействия и интеграции модулей информационных систем мониторинга, а также создание системы информирования населения об угрозе или возникновении чрезвычайных ситуаций.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на разработку методов, алгоритмов мониторинга состояния горных пород на основе специальных датчиков, беспроводных технологий и с помощью телекоммуникационных систем. В этом направлении приоритет отдается исследованиям по разработке устройств контроля формирования экзогенных процессов на основе деформационных свойств волоконно-оптических интерферометрических датчиков, модулирующих интенсивность света а также повышению эффективности системы обнаружения оползневой активности при изменении геологических условий. Вместе с тем, разработка аппаратно-программных обеспечений для систем обнаружения и мониторинга оползневых процессов, а также создание централизованной автоматизированной системы оповещения и информирования населения об угрозе или возникновении аварийных ситуаций является актуальной задачей.

В нашей Республике предпринимаются комплексные меры по разработке новых принципов построения устройств, алгоритмов и методов ведения мониторинга состояния горных пород на основе волоконно-оптических измерительных систем и достигаются определенные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи, как «...налаживание системы подготовки квалифицированных кадров в сфере геологии с широким внедрением современных образовательных стандартов, применение на практике результатов научных исследований, а также развитие научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ в области электротехники ...»⁴. При реализации этих задач, в том числе при изучении инженерно-геологических и экзогенно-геологических процессов, большое

³ https://www.who.int/health-topics/landslides#tab=tab_1

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

значение имеет разработка методов ведения мониторинга и прогнозирования изменений геологических и инженерно-геологических условий, вызванных технологическим воздействием, на основе технологических средств.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28.01.2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-5066 от 1 июня 2017 года «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», №ПП-4794 от 30 июля 2020 года «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №601 от 8 августа 2017 г. «О создании и развитии автоматизированной системы оповещения и информирования населения Республики Узбекистан об угрозах или возникновении чрезвычайных ситуаций», и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV – «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Проблеме разработки методов ведения мониторинга чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, разработки аппаратно-программных средств волоконно-оптических измерительных комплексов для контроля лавинных процессов посвящены многочисленные исследования ряда известных зарубежных ученых, таких как: T.Okosi (Japan), E.Udd, R.Jackson (USA), Alemohammad Hamid (Canada), B.Glisic, D.Inaudi (Switzerland), L.S.Zan, Z.Liang (China), Kher Saxena, Rajan Ginu (India), R.L.Idriss (Mexico), В.М.Шандаро, Ю.Н.Кульчин, К.Е.Румянцев, Д.Б.Шумкова (Россия) и другие исследователи.

Вопросам разработки и совершенствованию методов оценки вероятности возникновения оползневых процессов в горных породах посвящены работы ученых Узбекистана: Раджабова Т.Д., Мухитдинова М.М., Воронова Ф.И., Абдурахманова К.П., Туляганова Б.И., Давронбекова Д.А., Исамухамедова А., Рахимова Н.Р., Камалетдинова Р.Г., Ниязова Р.А., Бимурзаева Г.А., Юсупбекова Н.Р., Шипулина Ю.Г., Назарова А.М., Абдурахмонова Э.А., Рахимова Б.Н., Писецкий Ю.В., Мамасодикова Ю. В результате научных исследований достигнуты весомые результаты при решении задач повышения эффективности системы определения площади оползневой активности при изменении геологических условий и практического применения устройства контроля деформационных параметров на основе волоконно-оптических датчиков.

Вместо с этим, выяснилось, что данные мониторинга не получаются в режиме реального времени традиционными методами, которые на практике используются Государственной службой Республики Узбекистан по слежению за опасными геологическими процессами, и этот метод способен отслеживать лишь определённую часть оползневых секторов. Проведенный анализ исследований в этой области показывает, что недостаточно исследованы вопросы, посвященные разработке методов синхронной регистрации изменений различных параметров наблюдаемого объекта, разработке и внедрению системы мониторинга состояния горных пород на основе волоконно-оптических измерительных систем.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках следующих инновационных научно-исследовательских работ: № 5/18-Ф «Разработка методов обнаружения и распознавания радиосигналов по спектральным характеристикам радиомониторинга – экспресс анализатор электромагнитной обстановки в УКВ диапазона» (2018-2020), № ФЗ-201907104 «Разработка интерактивного мобильного приложения для обучения всех слоёв населения к правильным действиям при землетрясении» (2020-2022).

Целью исследования является разработка методов, алгоритмов и программно-аппаратного обеспечения мониторинга оползневых процессов горных пород на основе волоконно-оптических измерительных систем.

Задачи исследования:

анализ существующих зарубежных и отечественных методов прогноза локальной оползневой опасности горных пород на основе волоконно-оптических измерительных систем;

разработка метода мониторинга состояния горных пород на основе волоконно-оптических измерительных систем;

разработка алгоритма системы мониторинга опасных оползневых процессов в горных породах и прогнозирования их развития;

разработка принципов организации взаимосвязи, взаимодействия и интеграции радиотехнических элементов и модулей информационно-измерительной системы мониторинга горных пород;

разработка программно-аппаратного обеспечения устройства для ведения мониторинга состояний горных пород на основе оптоволоконных датчиков и датчиков влажности пород.

Объектом исследования являются опасные геологические процессы (оползни, обвалы, просадка горных пород).

